

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАДАЛОВ ЎТКИР БАДАЛ ЎҒЛИ

**ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИНИ РЕКРЕАЦИЯ-ТУРИСТИК
РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК
АСОСЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on geographical sciences**

Бадалов Ўткир Бадал ўғли

Ўрта Зарафшон ҳавзасини рекреация-туристик ресурслари, улардан
фойдаланишнинг географик асослари ва истиқболлари..... 3

Бадалов Уткир Бадал угли

Рекреационно-туристические ресурсы Среднезарафшанского бассейна,
географические основы и перспективы их использования..... 21

Badalov Utkir Badal ugli

Recreational and tourist resources of the Middle Zarafshan basin and geographical
bases and prospects for their use 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАДАЛОВ ЎТКИР БАДАЛ ЎҒЛИ

**ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИНИ РЕКРЕАЦИЯ-ТУРИСТИК
РЕСУРСЛАРИ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГЕОГРАФИК
АСОСЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

11.00.01 – Табiiй география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Gr34 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва "Ziyouet" ахборот-таълим тармоғида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аббасов Субхон Бурхонovich география фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович география фанлари доктори, доцент Усмонова Рохатжон география фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 6 ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15 уй, Самарқанд давлат университети, Бош бино 105 хона, Тел.: (99866) 239-16-36, факс: (99866) 239-11-40; E-mail: jk-geografiya2019@mail.ru

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№64 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Университет хиебони, 15 уй. Тел. (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2021 йил "22" 10 кун тарқатилди
(2021 йил "20" 10 даги 16 рақамли реестр баённомаси)



Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д., (DSc)

Б.А.Мелнев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, география
фанлари буйича (PhD)

В.А.Рафиков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошдаги илмий
семинар раиси ўринбосари, г.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO)нинг ҳисоботида туризмни барқарор ривожлантиришнинг 10 та дастури баён этилган бўлиб, унда «экотуризмни ривожлантириш учун иқлим ўзгариши, чиқиндиларни назорат қилиш, ерлардан барқарор фойдаланиш, биохилма-хилликни ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни сақлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш»¹ни таъкидлайди. Бу ҳолат ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди ва инсонларни ҳаёт фаолиятини яхшилашда рекреацион эҳтиёжларни қондириш учун қулай шароит яратади. Аҳолини дам олиш шароитларини таъминлаш бугунги куннинг энг асосий муаммоси деб ҳисобланади ҳамда ушбу муаммони ҳал қилиш стратегияларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Жаҳон амалиётида рекреация ва туризмни биргаликда ривожлантиришда табиат ёдгорликлари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар, экотизимларни муҳофаза қилиш, аҳоли ва инсон саломатлигини тиклашда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, алоҳида ҳудудларнинг туристик ва рекреацион имкониятларини баҳолаш, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш механизмини такомиллаштиришнинг комплекслик имкониятларини аниқлаш ҳамда самарадорлигини оширишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда рекреация ва туризмнинг (эко, агро, тарихий, диний, экстремал, шоп) тармоқларида хизмат турларини шакллантириш, ҳудудларнинг табиий ресурс имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, рекреацион объектлар ва туристик фирмалар сонини кўпайтириш ҳамда уларнинг ихтисослашуви ҳамда ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш» ҳамда «одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада табиий шароити ва геотизимлари турлича бўлган Ўрта Зарафшон ҳавзасида рекреация ва туристик ресурсларни ривожлантириш, ҳавзадаги рекреация-туристик ресурсларни баҳолаш, умумий рекреация-туристик салоҳиятни аниқлаш ва ҳавзада дам олиш, туризмни асосий йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 3

¹<https://www.e-unwto.org>. UNWTO Annual report. 2017.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

февралдаги ПФ-5326-сон «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» фармонлари, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари, 2019 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зарафшон ҳавзаси бўйича комплекс табиий географик тадқиқотлар С.П.Сучков, Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай, Н.А.Гвоздецкий, А.С.Саидов, П.Баратов, Л.А.Алибеков, А.А.Абдулқосимов, Н.И.Сабитова, А.Рахматуллаев, А.Н.Ҳожиматов, Ю.Ҳ.Абдурахмонова, О.Ш.Рўзиқулова, Б.А.Мелиев, Б.Б.Эшқувватов ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Ландшафтларни рекреация ва туризм мақсадларида тадқиқ этишда хорижий олимлардан И.П.Герасимов, В.С.Преображенский, Н.С.Мироненко, И.Т.Твердохлебов, Ю.А.Веденин, В.И.Азар, И.В.Зорин, В.П.Буров, Л.А.Багирова, Б.Б.Родоман, Э.Б.Валиев, Е.А.Котляров, П.Г.Царфис, К.Н.Мусин, Д.В.Николаенко, Honey Martha, Jing Xia, Jing Shi, республикамиз олимларидан А.С.Солиев, А.А.Рафиқов, Ш.Азимов, А.Қаюмов, Х.Ваҳобов, А.Якубов, А.Н.Нигматов, Р.Усмонова, М.Р.Усмонов, Н.Т.Шамуратова З.Маҳаматиллаев, М.Хошимов, А.Зокиров, А.Юсупов, О.Х.Ҳамидов, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, С.Б.Аббасов, Қ.С.Ярашев ва бошқалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бироқ, Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларида рекреация ва туризмни ривожлантириш мақсадларини кўзлаб тадқиқ этиш, жумладан, бунда космик маълумотлардан фойдаланиб карталаштиришга кам эътибор берилган. Ушбу ишнинг асосий мақсади юқоридаги камчиликларни тўлдиришдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-9- «Зарафшон водийсининг рекреация, туристик ва экологик карталарини тузиш» (2015-2017 йй.) амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафт комплексларининг рекреацион ва туристик хусусиятлари, имкониятлари ҳамда салоҳиятини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўрта Зарафшон ҳавзасини табиий географик жиҳатдан тавсифлаш;
ҳавзадаги ландшафтларни рекреация ва туризм объект сифатида тадқиқ этиш, фойдаланиш ва келажак истиқболларини аниқлаш;

ҳавза миқёсида янги рекреация объектлари ва туристик маршрутларни алоҳида, комплекс равишда фойдаланиш бўйича ҳавзанинг рекреацион-туристик районлари ва маршрутлари картасини яратиш;

ҳавза ландшафтларнинг рекреацион-туристик имкониятларини аниқлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўрта Зарафшон ҳавзасининг табиий ва антропоген ўзгарган геотизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафт комплексларида табиий салоҳиятини рекреация-туристик нуктаи назаридан таҳлил қилиш асосида ҳудудни сайёҳлик, дам олиш ва соғломлаштириш учун баҳолашни амалга ошириш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш йўллари ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида ҳудудий таҳлил, комплекс географик, картографик, географик таққослаш, дала-тадқиқот, экспедиция, статистик, типологик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

ҳавза ландшафтлари (табиат ёдгорликлари, ноёб ландшафтлар) рекреацион-туристик объект сифатида фойдаланиш йўналишлари асосланган;

ҳавза миқёсида рекреацион объектлар билан боғловчи янги маршрутлар (Самарқанд-Қоратепа-Тешиктош-Омонқўтон, Самарқанд-Ургут-Ғўс-Яхдон, Самарқанд-Каттақўрғон-Хатирчи-Олтинсой ва б.) ишлаб чиқилган;

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг ArcGIS дастури ёрдамида тузилган (1:1000000 масштаб) рекреацион-туристик районлаштириш ва рекреацион-туристик карталари яратилган;

ҳавзанинг рекреация ва туризм имкониятларидан унумли фойдаланиш (табиий питомниклар ташкил этиш, тоғ ва тоғолди ҳудудларида санаториялар, меҳмон уйлари қуриш) юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларининг ҳудудий рекреацион-туристик тизимлари аниқланиб, уларнинг ҳозирги ҳолатини сақлаб қолиш ва ҳудудда рекреация ва туризмни истиқболда ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

рекреация ва туризмни ривожлантириш мақсадида рекреация объектлари билан рекреантлар оқимини боғловчи янги туристик маршрутлар ишлаб чиқилган;

Ўрта Зарафшон ҳавзасини ArcGIS дастури ёрдамида 1:1000000 масштаб рекреацион-туристик районлаштириш ва рекреацион-туристик карталари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқоти натижалари ишончлилиги Самарқанд вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси ва Самарқанд вилоят туризмни ривожлантириш департаменти маълумотлари ва дала-кузатув ишлари асосида бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган мавзули карталар, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геотизимларнинг рекреацион-туристик имкониятларини аниқлаш ҳамда ноёб табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш, иқтисодиётда ва аҳоли саломатлигини тиклаш, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, ландшафт комплексларидан рекреация ва туризмада фойдаланишнинг методик ёндашувларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги ландшафт комплексларининг рекреацион-туристик имкониятларини аниқлаш, ландшафт комплексларидан саломатликни тиклаш, дам олишни ташкил этиш, туризмни ривожлантириш объекти сифатида фойдаланиш, янги рекреацион объектлар ва туристик маршрутларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафт комплексларида рекреация ва туристик ресурслари ва улардан фойдаланишнинг географик асослари ва истиқболлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ландшафтларини рекреацион-туристик имкониятларини аниқлашга доир олинган натижалари Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш дастурини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигини амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 03-17-2/4268-сон маълумотномаси). Натижада, янги рекреация-туристик объектларни аниқлаш имконини берган;

илк бор яратилган Ўрта Зарафшон ҳавзасининг 1:1000000 масштабдаги рекреацион-туристик районлаштириш картаси Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан ҳавза ҳудудидаги рекреацион-туристик кластерларни яратиш амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 03-17-2/4268-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудда 4 та рекреацион-туристик кластерларни ташкил этиш имкониятлари мавжудлигини аниқлаш имконини берган;

рекреация ва туризм мақсадларида районларга ажратиш бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги томонидан ҳавза ландшафтларида рекреация-туристик объектларни оптимал жойлаштириш ва инфратузилмани тартибга солиш амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 03-17-2/4268-сон маълумотномаси). Натижада, истиқболда

Самарқанд вилоят туризмини ривожлантириш дастурига янги йўналишларни киритиш имконияти яратилган;

ландшафтларни рекреацион-туристик баҳолаш бўйича таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигида Ўрта Зарафшон ҳавзасининг янги рекреацион-туристик маршрутлари схемаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 03-17-2/4268-сон маълумотномаси). Натижада, янги реклама материалларини тайёрлаш, ҳудудларда лойиҳаланаётган рекреация-туризм инфратузилмалари, ландшафтларда рекреация-туризм салоҳиятини эътиборга олиб жойлаштириш схемасини такомиллаштиришга, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш стратегиясини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ландшафтларда рекреация ва туризмнинг ривожлантиришга доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигида туризмни истиқболли турлари, йўналишларини аниқлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 24 июлдаги 03-17-2/4268-сон маълумотномаси). Натижада, ҳавзада тиббиёт туризми, тоғ туризми, спелиотуризм каби замонавий туризм йўналишларини ташкил этишнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқиш ва янги мавсумий туристик маршрутларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси ОАК нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган изланишларнинг долзарблик даражаси ва зарурати асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Рекреация ва туризм географиясининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида рекреация ва туризм географиясининг мазмун-моҳияти ва географик ўрганилиши ҳамда туризмни

ривожлантиришда рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг назарий-амалий масалалари ёритилган. Шунингдек рекреация-туризм географиясининг тадқиқот методологияси ва методлари, туризм ва рекреация фаолияти тадқиқотларидаги асосий илмий ёндашувлар, ҳудудий рекреация тизимларига оид тушунчалар таҳлил қилинди. Бу эса, ўз навбатида, географиянинг ўзига хос соҳалари бўлган рекреация ва туризм географияси олдига мавжуд табиий ресурслардан инсон саломатлигини тиклашда ва мароқли дам олишида фойдаланишдек долзарб вазифаларни қўймоқда. Чунки, рекреация ва туризм географиясининг олдида инсонларнинг саломатлигини тиклаши, дам олиши, саёҳат ва сайёҳликда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этишдек мураккаб вазифалар турибди. Ушбу соҳанинг назарий асосларини кенгайтириш, амалий вазифаларни ҳал этишда илмий ва методологик ёндошув рекреацион-туристик хизматлар самарасини кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда соғломлаштириш масканларини жошлаштириш ва рекреация ресурсларидан фойдаланишда аҳоли ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш истиқболларини жойлашувини ҳозирги ҳолатини ташкил қилиш зарур. Бу эса мамлакатимизни табиий рекреацион районларга бўлиб ўрганишни тақозо этади. Бундай районлаштириш дам олиш уйлари, санаторий, курортлар, болалар оромгоҳлари, сайёҳат ва спорт соғломлаштириш муассасаларини қуришни режалаштиришда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда турли касалликларни даволашга ихтисослашган санаториялар фаолият олиб бормоқда.

Минтақалардаги туризм ва соғломлаштириш ҳудудларида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга. Чунки, рекреация-туристик ҳудудларга оммавий дам олиш ва туризмга мўлжалланган табиий ёки маданий ҳудудлар киради. Шундай ҳудудлар таркибига шаҳар атрофи яшил зоналари, ўрмонлар, боғлар, миллий-маданий хиёбонлар, табиий боғлар, дам олиш уйлари ва базалар, меҳмонхоналар, кўриқхона ва буюртмаларнинг аҳоли бориб кўриши учун ажратилган жойлар ва ҳ.к.лар киради. “Туризм-иктисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда”³.

Бугунги кунда рекреация ва туризм соҳаси энг инновацион, ижтимоий-табиий муҳитга энг кам салбий таъсир қиладиган, барқарор ривожланиш концепцияси талабларига жавоб берадиган, айни бир вақтда, катта даромад олишга имкон яратадиган йўналишига айланиб, жадал суръатларда ривожланиши унинг бошқариш механизмларини такомиллаштиришнинг методологик асосларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ушбу методология туризм тўғрисидаги Қонунга, Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларга, давлат дастурларига амал қилишни тақозо этади.

³ Туризмни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. 2017 й. 3 октябрь //Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг веб-сайти – www.uza.uz

Туристтик фаолиятни ривожлантиришда рекреация ресурсларининг ўрни ҳам катта аҳамиятга эга. Рекреация ресурслари турли табиий компонентлар бирикмасидан иборат бўлиб, инсоннинг дам олиши ва даволаниши эҳтиёжларини қондиришда хизмат қиладиган воситалардир. Келиб чиқиши ва фойдаланиш хусусиятларига кўра рекреацион ресурслар икки гуруҳга табиий ва антропоген рекреация ресурсларига ажратилди (Ибодуллаев, 2010).

Бугунги кунда сайёҳлар учун мамлакатимиздаги 200 дан ортик шифобахш иссиқ ва шифобахш минерал сувлар, балчиклар ва тузлар ҳамда иқлимий манбалар етарли даражада деб уйлаймиз. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, гидрологик ресурслар рекреацияда энг муҳими табиий ресурс ҳисобланади. Чунки, дам олишнинг кўпгина турларини ривожлантиришда сув ҳавзалари муҳим аҳамият касб этади. Инсонларни даволанишида шифобахш минерал ичимлик сувлари турли касаликларни даволашда, термал ва радонли сувлардан ванна сифатида фойдаланиб келинмоқда. Масалан, Ўзбекистонда 126 та термоминерал ер ости қонлари мавжуд, улардан 86 тасида фойдаланиш учун тасдиқланган заҳиралар миқдори 39,008 минг м³/сут (0,45 м³/с) ташкил қилади.

Адабиётлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, рекреацион фаолият ва туризмни ривожлантиришнинг энг мақбул йўли, аввалом бор, ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятини, имкониятларни ўрганиш, улардан фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш истиқболини белгилаб олиш керак. Илмий асосда рекреация ва туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришда ҳудудларнинг табиий шароити, атроф-муҳит ҳолати, демографик вазияти, таълими ва миллий минталитети ҳамда иқтисодиётининг ривожлантириш даражасини аниқлаш, уларни сифатий ва миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳолаш талаб этилади.

Рекреация, туризм ва унга тегишли атамаларнинг илмий асослаш ва ягона бир тушунчага келтириш мазмуни ва моҳиятини аниқлаштириб олиш зарурлиги эътироф этилди. Мазкур тушунчаларни аниқлаштириш рекреация ва туризмни ташкил этиш, ҳисобини юритиш каби ишларга илмий асос бўлиб хизмат қилади. Республикамиз табиий географик округлари, районлари табиати, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси бир-биридан фарқ қилади ва шу сабабли ҳам рекреация ва туризмни ривожлантиришда уларга индивидуал ёндашишга тўғри келади.

Диссертациянинг «**Ўрта Зарафшон ҳавзасининг рекреацион-туристик ресурслари ва улардан фойдаланишнинг географик асослари**» деб номланган иккинчи бобида ҳавзанинг ландшафт комплексларини рекреация ва туризм мақсадларида баҳолаш, ҳавза табиий шароити, ландшафтларини рекреацион-туристик мақсадларда тадқиқ этилди ҳамда Ўрта Зарафшон ҳавзаси рекреацион-туристик районлаштирилди, тавсифланди.

Ю.Ахмадалиев, Э.Махкамовлар (2018) ҳар қандай табиий шароитда ҳам рекреацион ва туристик фаолиятни тўғридан-тўғри амалга ошириб бўлмаслигини, бунинг учун ҳудудларнинг табиий шароитига ландшафт нуқтаи назаридан баҳо бериш зарур ва ҳудуднинг оптимал табиий шароити,

иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, экологик ва сиёсий барқарорлиги кўрсаткичлари ҳам баҳолашнинг асосий мезонларидан бўлиши керак деб таъкидлашади. Ҳозирги пайтларда ландшафт комплексларидан турли мақсадларда фойдаланиш ва уларни хўжалик юритиш мақсадларида баҳолашнинг турли усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада ландшафт тадқиқотларида замонавий, жумладан ГИСга асосланган усулларнинг қўланилиши ландшафтлардан рекреацион ва туристик мақсадларида фойдаланишнинг янги услубий имкониятларини вужудга келтирмоқда. Бирор бир худудни рекреация ва туризм нуқтаи назаридан баҳолаганда табиий шароитнинг қулай-ноқулайлигини белгилайдиган, ер юзидаги тоғ жинслари, рельеф, иқлим, сув ва ландшафт ресурсларини уйғунликда таҳлил қилиш баҳолашнинг етакчи методлардан ҳисобланади.

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг ер пўстининг тектоник жараёнлар натижасида чўккан ботиқ қисмида жойлашганлиги, шарқий қисмининг тоғлар ва ғарбий қисмини текисликлар эгаллаб олганлиги, худудининг шарқдан ғарбга қараб катта масофага чўзилганлиги, континентал иқлим шароитида табиатида турли туманликни вужудга келтиради ва рекреация, туризмни ривожлантиришга қулай шароит яратади.

Ўрта Зарафшонни ер усти тузилиши, асосан, тоғлар, тоғолди текисликлари ва дарё терассаларидан ҳамда сойлар ёйилмаларидан ташкил топган. Ер юзаси асосан палеоген, неоген ва антропоген давр чўкинди жинслари билан ётқизилган. Ўрта Зарафшон ҳавзасининг рельефи асосан ясси текислик бўлиб, шимол ва жануб томонлардан ўрта қисмига томон, шарқдан ғарбга томон 800 м дан 350 м гача пасайиб боради. Бу ботиқнинг марказий қисмини Зарафшон дарёси кесиб ўтиб, террасаларни вужудга келтирган. Ҳавза худудида Чақилкалон, Қоратепа, Зирабулоқ ва Зиёвуддин каби ўртача баландликдаги тоғларга бўлиниб кетади. Ушбу тоғлар худуди ажойиб табиат гўзаллигини ўзида акс эттирилганлиги билан сайёҳлик худудига мос деб топилган ва кишилар эътиборини тортади. Кўпроқ рекреант ва сайёҳларда қизиқиш уйғотадиган тоғ ва тоғолди худудлари ўзида ажойиб рельеф шакллари ифодалайди. Ҳавзанинг марказий қисмини Зарафшон дарёси водийси ташкил этади. Ҳавзанинг марказий қисми текисликдан иборат, фақат Чўпонота қолдиқ тоғи текисликдан бироз кўтарилиб туради. Ўрта Зарафшон ҳавзасининг бундай ер усти тузилиши қадимдан рекреацияни ривожлантиришга кенг ва қулай имкониятлар яратган.


Худудда йил бўйи қуёшнинг нур сочиши 2877 соатга тенг, унинг 70 фоизи май ва октябрь ойлари оралиғига тўғри келади. Ўрта Зарафшон ҳавзасининг 1 см² худудига 181 ккал қуёш радиацияси тушади (Ҳикматов, Ҳайдаров ва бошқалар, 2016). Булутсиз кунлар Омонқўтонда 151 кун, Каттақўрғонда 161 кун, Нуротада 148 кунни ташкил этади. Ўрта Зарафшонда эрталаб соат 7:00 да ўртача нисбий намлик 58% дан 71% га етади. Қиш ойлари кундуз кунлари ўртача нисбий намлик 60-70% ни ташкил қилади. Ёз ойлари кундуз иссиқ ҳавода нисбий намлик жуда камайиб кетади. Ўрта Зарафшоннинг ғарбий қисмида 300-500 мм, шарқий қисмида эса 700-900 мм ёғин тушади. Омонқўтонда ўртача кўп йиллик ёғин миқдори 900-950 мм ни

ташкил этади. Қиш фасли юмшоқ келиши билан, айрим йиллари узлуксиз совуқ кунлар давом этади. Ўрта Зарафшон ҳавзаси иқлимнинг ўзига хослиги унинг баҳор ва ёз ойларида мавсумий сайёҳликни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Аини вақтда бу ерга ёз ойлари, хусусан июль-август ва нисбатан совуқ мамлакатлардан келадиган сайёҳлар ва рекреантлар учун шароит унча қулай эмас. Ҳавза ҳудудидаги энг йирик сув омбори Каттақўрғон, шунингдек, Қоратепа, Тўсинсой, Оқдарё каби турли катталиқдаги сув омборлари барпо этилган бўлиб, уларнинг рекреацион аҳамияти жуда катта. Зарафшон дарёси қайирлари ҳавзанинг ноёб ландшафтларидан бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой ҳудудлардан бири ҳисобланади. Уларни асраш, қўриқлаш ва муҳофаза қилиш, келгуси авлодларга тўла-тўқис етказиш мақсадида ҳавза ҳудудида, 1 та миллий боғ, 3 та буюртма ташкил қилинган.

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг ландшафтларини таснифлаштириш ва тавсифлаш, карталаштириш, табиий географик районлаштириш, геозекологик ҳолати, ландшафт комплекслардан турли мақсадларида фойдаланиш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Аммо тадқиқот объекти рекреация-туристик мақсадларда табиий географик жиҳатдан жуда кам ўрганилган. Биз ўз тадқиқотларимизда А.А.Абдулқосимов, А.Саидов, П.Баратов, Л.А.Алибеков, А.Рахматуллаев, Б.А.Мелиев, Б.Б.Эшқувватов ва бошқаларнинг методологик тажрибаларига асосландик ва улар ажратган ландшафтларни ишимизда асос сифатида олдик. Шунга кўра, Ўрта Зарафшон ҳавзасида қуйидаги ландшафт синфлари ажратилди: тоғ ландшафтлари, адир-тоғолди пролювиал текислик ландшафтлари, воҳа ландшафтлари. Ўрта Зарафшон ҳавзасида 3 та ландшафт синфи доирасида 15 та ландшафт комплекслари ажратилди (1-расмга қаранг). Ҳавза ландшафтларидан рекреация мақсадда фойдаланишда кейинчалик рўй берадиган оқибатларга ҳам эътибор бериш зарур. Чунки, айрим сабабларга кўра, рекреация районидаги тупроқ ва ўсимликлар ўзгариб, ёввойи ҳайвонларнинг йўқ бўлиб кетиши биогеоценоздаги боғланишларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бинобарин, ҳавзанинг рекреация ҳудудларини муҳофаза қилишнинг дастлабки йўналиши бу ҳудудларга келадиган кишилар сони ва уларнинг бу жойлардаги фаолиятлари ҳамда дам олишини махсус ташкилотлар орқали уюштириши лозимдир. Шунингдек, рекреантларга илмий асосда муносабатда бўлиш, яъни табиий ландшафт ёки табиат ёдгорликлари ўз ҳолича сақлаб қолиш бўйича реклама ва тушунтириш ишлари олиб боришни тақоза қилади.

Рекреация ва туризм хўжалиги тизимининг тарихан шаклланиши, уни табиий жойлашуви, ишлаб чиқариш шакллари ва шарт-шароитлар эътиборга олинган ҳолда, рекреация ва туристик районларга ажратиб ўрганиш зарурияти юзага келди ҳамда тадқиқот натижаларига кўра рекреация ва туризм соҳасига ихтисослашган ҳудудий рекреацион-туристик мажмуаларни ажратиш вақти келди дейиш мумкин. Рекреацион районлаштиришда қуйидаги таксономик бирликларни ҳавза шароитида қўллаш мумкин. Рекреацион район,

рекреацион микрорайон. Ана шу таксономик бирликлар асосида Ўрта Зарафшон худуди рекреацион-туристик районлаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўрта Зарафшонни рекреацион-туристик районлаштириш карта-схемаси.

**Карта-схемани диссертацияга илова қилинган нусхаси 1:1000000 масштабда тузилган.*

Ўрта Зарафшон ҳавзаси бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳавза табиий шароитини рекреация ва туризмни ривожлантириш мақсадларида тадқиқ этиш имконини берди, ҳавза ландшафт комплекслари рекреация ва туризм мақсадларида баҳоланди ва улар қисқача тавсифланди. Баҳолаш натижасида Ўрта Зарафшон ҳавзаси худуди рекреацион-туристик мажмуалар сифатида табиий географик шароитлари ва иқлимий кўрсаткичлари асосида ички тафовутлари билан бир-биридан фарқ қилувчи район ва микрорайонларга ажратилди.

Диссертациянинг «**Ўрта Зарафшоннинг рекреация-туристик ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари**» деб номланган учинчи бобида ҳавзанинг рекреацион-туристик объектлари, имкониятларидан самарали фойдаланиш, рекреацион-туристик картасини тузиш ва истиқболда фойдаланиш масалалари батафсил ўрганилган.

Ҳавзанинг рекреацион-туристик салоҳиятини баҳолашда, биринчи навбатда, мавжуд рекреация объектларининг миқдори ва сифатига асосий эътибор қаратилади. Бироқ, бугунги кунда республикамиз худудларида рекреация объектлари билан боғлиқ кўрсаткичлар статистикаси юритилмаётганлиги ушбу йўналишдаги ресурсларни реал баҳолаш имконини бермайди (Мирзаев, 2018). Шу сабабли Ўрта Зарафшон ҳавзасини географик ўрни, табиий шароити, ер усти тузилиши, яъни рельефи жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонларининг тоғ ва тоғликлардан иборатлигини эътиборга олган ҳолда ҳавзада рекреация ва туристик объектларни кенг

қамровали ўрганишни талаб этади. Чунки, рекреацион-туристик объектлар меҳнат ресурсларини тикланишида аҳамияти каттадир.

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг Чақилкалон, Қоратепа, Нурота, Губдин тоғлари бўйлаб сайёҳат қилганлар табиатнинг мўъжизаларига яна бир бор иқроқ бўладилар. Ҳозирги пайтда бундай жойларда қисқа муддатли дам олиш имкониятлари бўлса ҳам ундан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Чақилкалон тоғларидаги Омонқўтонсой ҳавзасида рекреацион-туристик мақсадда фойдаланиш имкониятлари юқори. Инсонларнинг дам олиши ва табиат кўйида маънавий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари, турли хил касалликларни даволаш, ўзига хос турли табиий, кимёвий хусусиятларга эга бўлган табиий объектларидан фойдаланиш имкониятлари кўп. Шу сабабли минерал сувлардан даволаш мақсадларда фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб келмоқда.

Омонқўтонсой ҳавзаси табиий, маданий-тарихий мажмуаларнинг турли-туманлиги дам олувчиларни ўзига жалб этади ва улар учун кўрсатилаётган сервис хизматни такомиллаштиришга жуда катта эҳтиёж сезади. Экскурсиялар, мевалар териш, тоғ спорт ўйинлари, чўмилиш машғулотлари, иқлимий табиат кўйида сайр қилиш каби омиллар организмнинг фаолиятини қайта тиклашга кўмак беради. Рекреация мақсадлари учун айниқса, Омонқўтон ҳудудида фойдаланиладиган ҳудудларни карталаштириб, табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўллари белгилаб олиб, рекреация ресурсларидан фойдаланиш усулларини кўрсатиб бериш бугунги кун талабидир.

Омонқўтон табиатининг рекреация қиймати унинг ҳудуд ландшафтларининг хилма-хиллиги билан белгиланади. Уни тўлалигича ўрганиш ва табиий рекреация ҳажмига асосланиб ҳавзанинг турли қисмларида рекреация комплексларини барпо этиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ушбу ҳудудда рекреантлар ва туристлар талабини қондирадиган барча қулайликлар яратилган бўлиши зарур. Мавжуд ресурсларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда иқтисодни кўтариш манбаи бўлган рекреация ресурсларининг барча типларини ривожлантириш замон талаби бўлиб келмоқда.

Ўрта Зарафшон ҳавзасида бундан ташқари, Оҳалик тоғ-ўрмон дам олиш зоналари мавжуд бўлиб, бу ерда ҳам дам олиш уйлари ҳозирги пайтда маҳаллий сайёҳларга, хусусий тадбиркорларга хизмат кўрсатмоқда. «Ёшлик» туристик базаси ва бошқалар бевосита қулай иқлимий, ландшафт ҳамда гўзал табиат, яъни экотуристлик имконияти билан ҳудудда мавсумий дам олиш масканларининг жойлашишига сабаб бўлади. Шу ўринда ҳавза аҳолисининг қисқа муддатли мавсумий дам олиши учун Қоратепа ва Чақилкалон тоғлари айниқса, баҳор ойлари ноёб табиат манзаралари билан аҳолини ўзига жалб қилиши билан аҳамиятлидир.

Ҳавзада жойлашган табиат музейлари ичида энг кизиқарли, шу жумладан, муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлганларидан бири ғорлар ҳисобланади. Олиб борилган дала тадқиқотлари ва илмий адабиётлар таҳлили асосида тўпланган маълумотларга кўра бу ҳудудларда жами 113 та

ғор бўлиб, шундан 75 таси вертикал ва 38 таси горизонтал карст ғорлари эканлиги аниқланган (Марупов, 2009). Ғорлардаги турли хил манзарали кўринишлар туристлар учун қизиқарли ҳисобланади. Бундан ташқари Ҳазрати Довуд, Амир Темур ғорларини девор шиплари қоплама шакллар билан безалганлиги туристлар учун қизиқарлидир. Олимларнинг изланиши туфайли ғорларни шифобахшлиги ҳам ўрганилган. Олиб борилган текширишларда ғор ҳавоси нафас олиш йўллари билан касалланган ва қон босими ошган беморларга жуда фойдали ҳисобланади. Ғорларда даволанган кишиларнинг қон босими пасаяди ва 6-12 ойлаб ўзгармаслиги маълум бўлади (Маматқулов, 1991). Ҳозирги вақтда Амир Темур, Омонқўтон, Ҳазрати-Довуд, Ғунжак ва Пиёзли ғорлари ҳам минглаб кишиларни сеvimли масканларига айланмоқда. Кишилар ғорларга кириб, тоғ жинсларнинг турлитуманлигидан, гўзаллигидан завқ олиб кетишади.

Геоморфологик туристик объектларга Камонгарон, Вағашти, Ғўс қишлоқлари юқорисидаги баланд тоғ чўққилари, чуқур кесилган даралар, турли шаклларга ўхшаш қоятошлар киради. Чақилкалон тоғлари гидрологик ёдгорликларга бой бўлиб, бу ерда шифобахш булоқлар, гўзал шаршаралар, ғор сувлари, ажойиб кўллар бор. Килси ва Лев ғорларидаги карст булоқ сувлари, Қайнарбулоқ, Роҳатбулоқ, Музбулоқ ва Алвасти кўллари, Ғўссой, Камонгаронсойлардаги шаршараларни сайёҳлик маршрутларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳавзанинг текислик қисмидаги рекреация ресурслари асосан, Зарафшон дарёси ва унинг атрофидаги тўқайзорлар, сув омборлари, каналлар, Зарафшон кўриқхонаси ва бошқа табиий рекреация объектларини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Зарафшон дарёси қайирлари маҳаллий ва мавсумий сайёҳлар учун жуда қулай, аммо кишиларни тартибсиз, табиатга безътибор ҳолда дам олишлари сабабли баъзи бир муаммолар келиб чиқмоқда. Каттакўрғон, Қоратепа, Тўсинсой ва Оқдарё сув омборларлари ҳам мавсумий, қисқа муддатли рекреация ресурсларини ривожлантириш учун қулайликларга эга. Шунингдек, Дамхўжа, Равотхўжа сув тақсимлагичи, Эски Дарғом ва Эски Туятортар каналларини ҳам сайёҳларга кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Бундай жойларни реклама қилиш ва қизиқтириш орқали сайёҳларни кенг жалб қилиш мумкин.

